

Диннинг қуёши бўлган Шамсиддин (иккинчи мақола)



08:30 / 30.10.2021 2173

Мулла Шамсиддин қори домла ўзидан мерос қилиб кўплаб шогирд ва уламоларни қолдирди. Ўрта Осиёлик кўплаб машхур уламолар у кишининг илмий суҳбатларида бўлиб, таълим олишга муяссар бўлишган. Қори домланинг укаси Жамолхон қори ва синглиси Марямхон ойимлар ҳам акасининг қўлларида таълим олиб, мураттаб қори ва амалли олимлардан бўлишди. Ҳазрат қори домла узоқ йиллар «Шайх эшон» жоме масжидида имомлик қилдилар. Рамазон ойида 30 кун таровеҳ намозида хатми Қуръонга ўтиб, чарчоқ ва ҳориш нималигини билмай, атрофдаги ёшларга бақувват ва серғайрат эканликлари билан юксак намуна бўлдилар.

Шогирдларидан бири шундай хотирлайди: «Устозимиз Мулла Шамсиддин қори домла ўта ҳалим, Қуръон ва суннатни маҳкам ушлаган, зуҳд ва тақвода пешқадам ва очиқ кўнгил инсон эдилар. У киши фарз ибодатлардан ташқари нафл ибодатларни ҳам кўп қилар эдилар. Аллоҳга бўлган чин эътиқодларининг ёрқин мисоли, 54 йил кунора рўза тутиб, тунлари ибодат билан ўтказдилар. Кунни билан оила тебратиш мақсадида косибчилик қилар, бўш вақтларида эса доимо китоб мутолаа қилардилар».

Мустақилликка эришганимиздан сўнг қори домла мударрислик фаолияти билан шуғулландилар. Ҳазрат 1991 йили Мулла Қирғиз (Ҳозирги Ҳидоя) мадрасаси очилган кундан то умрларининг охиригача ушбу масканда мударрислик қилдилар. Мадрасада талабаларга фикҳ ва ақоид фанидан

сабоқ бердилар. Қолаверса, «Тафсиру Жалолайн», «Мишкотул-масобиҳ», «Ҳидоя», «Мухтасарул-виқоя» каби ҳанафий мазҳабининг мўътабар китобларидан таълим бердилар.

Қори домла 1998 йил Рамазон ойнинг 21 куни оламдан ўтдилар. Шаҳарнинг катта қабристони Мавлавий мазорига дафн этилдилар. Шамсиддин қори домланинг 4 қиз ва 2 ўғиллари бор.

Улар: Бадриддин (1967), Фатҳиддин (1970).

Катта ўғиллари боболарининг касбларини давом эттириб касибдўзлик қиладилар.

Кичик ўғиллари эса «Шайх эшон» масжидида узоқ йиллардан бери имом бўлиб, дин йўлида хизмат қилмоқдалар.

Ушбу маълумотлар Шамсиддин қори домла авлодларининг шахсий архивидан олинди

Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи,

Чиноз тумани Олмазор қўрғони.